

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ДУОВИТ®

Препаратнинг савдо номи: Дуовит®

Дори шакли: драже

Таркиби:

Қизил рангли 1 драже (витаминлар) қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

ретинол пальмитати (А витамини), концентрат,	
синтетик, мойли шакли (1,7 млн ХБ/г)	2,94 мг
колекальциферол (D ₃ витамини),	
концентрат, мойли шакли (1 млн ХБ/г)	0,20 мг
аскорбин кислотаси (С витамини)	60,00мг
тиамин нитрати (В ₁ витамини)	1,00 мг
рибофлавин (В ₂ витамини)	1,20 мг
пиридоксин гидрохлориди (В ₆ витамини)	2,00 мг
цианокобаламин 0,1% маннитолда	3,00 мг
никотинамид (РР витамини)	13,00 мг
фолат кислотаси	0,40 мг
кальций пантотенати (В ₅ витамини)	5,00 мг
α-токоферол ацетати (Е витамини)	10,00 мг

ёрдамчи моддалар: лактоза моногидрати, апельсин мойи ароматизатори 05073, полисорбат 80, глицерол, тозаланган канақунжут мойи, сорбитол, суюқ глюкоза (қурук модда), кўпикни сўнгдирувчи 1510, магний стеарати, сахароза.

қобиги: Опалюкс AS-F-2833G (E124+E110), бўёвчиси, капол 600 фарма, сахароза.

Мовий рангли 1 драже (минераллар) қуйидагиларни сақлайди:

фаол моддалар:

кальций гидрофосфат дигидрати	64,50 мг
(бу 15 мг Ca ²⁺ кальций ва 12 мг P ⁵⁺ фосфорга	
тўғри келади)	
темир fumarати	30,30 мг
(бу 10 мг Fe ²⁺ темирга тўғри келади)	
мис сульфати пентагидрати	4,00 мг
(бу 1 мг Cu ²⁺ мисга тўғри келади)	
рух сульфати гентагидрати	13,30 мг
(бу 3 мг Zn ²⁺ рухга тўғри келади)	
магний лактат дигидрати	200,00 мг
(бу 20 мг Mg ²⁺ магнийга тўғри келади)	
марганец сульфат моногидрати	3,10 мг
(бу 1 мг Mn ²⁺ марганецга тўғри келади)	
натрий малибдат дигидрати	0,25 мг
(бу 0,1 мг Mo ⁶⁺ малибдатга тўғри келади)	

ёрдамчи моддалар: лактоза моногидрати, апельсин мойи ароматизатори 05073, полисорбат 80, глицерол, тозаланган канақунжут мойи, сорбитол, суюқ глюкоза (қурук модда), кўпикни сўнгдирувчи 1510, магний стеарати, суюқ парафин, сахароза.

қобиги: повидон, Опалюкс AS-20912 Мовий бўёвчиси (E132), капол 600 фарма, сахароза.

Таърифи: Қизил рангли қобик билан қопланган драже (витаминлар): каттик, силлик, қизил рангли қобик билан қопланган.

Мовий рангли қобик билан қопланган драже (минераллар): каттик, силлик, мовий рангли қобик билан қопланган.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Минерал моддалар мавжуд поливитаминлар. Бошқа минераллар ва уларни комбинациялари мавжуд поливитаминлар.

АТХ коди: A11AA03

Фармакологик хусусиятлари

Дуовит® - 11 витаминлар ва 8 минераллар комплексини сақловчи мажмуавий препарат.

Витаминлар ва минераллар метаболик жараёнларнинг муҳим омиллари бўлиб, улар организмни нормал ўсиши ва ривожланиши учун, соғлиқни қувватлаб туриш ва мустаҳкамлаш учун зарур ҳисобланади.

А витамини организмнинг антиоксидант ҳимоясининг компоненти бўлиб, хужайра мембраналари структурасига киради, хужайраларни ўсишини бошқаради, тери ва шиллик қаватларнинг ҳимоя фаолияти учун зарур, кўришни фитохимик актида иштирок этади, хужайра иммунитетни реакцияларини рағбатлантиради.

D₃ витамини организмда кальций ва фосфор балансини тутиб турилишида муҳим роль ўйнайди. Уни етишмовчилигида суяк тўқимасида кальцийнинг миқдори камаяди (остеопороз).

РР витамини тўқималарда метаболик жараёнларни фаоллаштиради, регенерация жараёнларини кечишини яхшилади, стероид гормонлар синтезида иштирок этади.

Пантотен кислотаси оксил метаболизми, ёғ кислоталари ва холестерин синтези, энергия алмашинувида иштирок этади, ичакдаги биоценознинг муҳим компоненти - бифидобактерияларни ўсишини қўллаб қувватлайди.

В₁ витамини нерв тизимининг нормал фаолиятига ёрдам беради, углеводлар алмашинувини таъминлайди.

В₂ витамини тўқималар, шу жумладан тери хужайраларининг регенерацияси жараёнларига ёрдам беради.

В₆ витамини оксиллар, углеводлар ва ёғлар алмашинувида иштирок этади, гемоглобин, шунингдек қалқонсимон беги гормонларини ҳосил бўлишида иштирок этади, суяклар, тишлар, милкларнинг структураси ва фаолиятини сақлаб туришига ёрдам беради.

В₁₂ витамини қон яратилиши жараёнларида иштирок этади, нерв тизимининг нормал фаолиятига ёрдам беради.

Фолат кислотаси нуклеин кислоталари ва оксилларини биосинтезида ўта муҳим роль ўйнайди, қон яратилишида иштирок этади.

Е витамини табиий антиоксидант бўлиб, нуклеин кислоталари ва гемоглобиннинг синтезини назорат қилади, организмнинг иммун ҳимояловчи кучларини мустаҳкамланишига ёрдам беради.

С витамини асосий антиоксидант-витамин ҳисобланади, ичакдан темирни сўрилишида иштирок этади, бириктирувчи тўқимадаги алмашинувни бошқаради, томирларнинг ўтказувчанлигини нормаллаштиради, токсинларни зарарсизлантиришда фаол иштирок этади. С витамини организмнинг инфекцияларга чидамлилигини оширади, яллиғланиш реакцияларини пасайтиради.

Кальций суяк тўқимасини шаклланишида, қон ивишида, нерв импульсларини ўтказилишида, скелет ва силлиқ мушакларни қисқаришида, юракни нормал ишлашида иштирок этади. У шунингдек темирни сўрилишига ёрдам беради.

Магний мушак ва суяк тўқимасини шаклланишида иштирок этади, шунингдек оксиллар синтезида ҳам иштирок этади.

Темир гемоглобин молекуласининг бир қисми бўлиб, организмда кислородни олиб ўтилишида иштирок этади ва анемияни ривожланишини олдини олади.

Фосфор, кальций билан бир қаторда суяклар ва тишларни шаклланишида иштирок этади, шунингдек энергия алмашилиши жараёнларида ҳам иштирок этади.

Марганец суякларни минерализациясига ёрдам беради.

Мис эритроцитларнинг нормал фаолияти ва моддалар алмашинуви учун зарур.

Рух тўқималар регенерацияси учун зарур, айрим гормонлар, шу жумладан инсулин таркибига киради.

Витаминли-минералли мажмуани яхши ўзлаштирилиши ва асосий компонентларнинг фаоллигини сақланиши учун, витаминлар ва минераллар турли рангли дражеларга бўлинган. Витаминлар қизил рангли дражеда сақланади, минераллар - мовий рангли дражеда.

Қўлланилиши

Дуовит® куйидагиларда профилактик восита сифатида қўлланади:

- организмни инфекцион ва шамоллаш касалликларига қаршилигини ошириш учун;
- ўтказилган касалликлардан кейинги тузалиш даврида;
- номунтазам, сифатсиз овқатланишда ёки бир хил овқатланиш рационида (асосан тез овқатланиш, овқатни номунтазам қабул қилиш, ошхоналардан фойдаланиш, янги сабзавотлар ва меваларни мавсумий етишмовчилиги), пасайган овқат рациони (вазнини пасайтириш, диабет учун пархез ва бошқалар);
- витаминлар ва минералларга юқори эҳтиёж билан бирга кечувчи ҳолатларда: юқори жисмоний (бадан тарбия ва спорт билан фаол шуғулланиш) ва нерв-психик юклама, ҳомиладорлик ва лактация даври;
- овқат маҳсулотларини етарли бўлмаган ўзлаштирилишида (кекса одамлар, чекувчилар, алкоголиклар);
- минерал моддаларни юқори йўқотилишида (қусиш, ич кетиши, кўп ҳайз кўриш, кўп терлаш);
- химотерапевтик воситалар қўллангандаги мажмуавий даволашда.

Қўллаш усули ва дозалари

Нонуштадан кейин қабул қилиш тавсия этилади. Катталар ва 12 ёшдан ошган болаларга суткада 1 қизил рангли драже ва 1 мовий рангли драже.

Дражени бутунлигича, катта бўлмаган миқдордаги сув билан ютиш керак. Препаратни қабул қилиш курси 30 кун. Препаратни қабул қилиш курса танаффусдан (1-3 ой) кейин ёки шифокор тавсияси бўйича такрорланиши мумкин.

Ножўя таъсирлари

Аллергик реакциялар, жумладан терида тошма, эшакеми ва нафас олишни қийинлаштириши билан кечувчи оғир аллергия реакциялар (анафилактик реакциялар) бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда препарат қабулини тўхтатиб, врач ёки фармацевт билан маслаҳатлаштириш зарур. Ошқозон-ичак тракти тарафидан (кўнгил айланиши, қусиш, ошқозонда оғрик) ҳам ўзгаришлар кузатилиши мумкин, айниқса оч қоринга қабул қилинганда.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препарат компонентларига юқори сезувчанлик.

А ва D гипervитаминози.

Буйрақлар етишмовчилигида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Препарат темир ва кальций сақлайди ва шунинг учун ичакда тетрациклинлар гуруҳи антибиотикларнинг, шунингдек антимикроб воситалар - фторхинолон ҳосилаларини сўрилишини кечиктиради. С витамини сульфаниламидлар гуруҳи антимикроб воситаларнинг таъсири ва ножўя самараларини кучайтиради (шу жумладан сийдикда кристалларни пайдо бўлиши). Алюминий, магний, кальций сақловчи антацид препаратлар, шунингдек холестерамин темирни сўрилишини камайтиради. Тиазидлар гуруҳи сийдик ҳайдовчи воситалар бир вақтда буюрилганда, гиперкальциемия эҳтимоли ошади. А гипervитаминози ривожланиш эҳтимоли туфайли Дуовит® А витамини сақловчи дори воситалари ёки перорал ретиноидлар билан биргаликда қўллаш тавсия этилмайди.

Махсус кўрсатмалар

Сийдик сариқ рангга бўялиши мумкин - мутлако безарар ва препаратда рибофлавинни бўлиши билан тушунтирилади.

Дуовит® ни витаминлар ва минералларни сақловчи бошқа препаратлар билан бирга қабул қилиш тавсия этилмайди.

Қандли диабет билан оғриган пациентлар Дуовит® қабул қилишлари мумкин, аммо бунда битта драже 0,8г қанд, препаратни суткалик дозасида эса 1,6г қанд мавжудлигини билишлари лозим.

Дуовит® препарати аллергия реакцияларни келтириб чиқариши мумкин бўлган азобўёқлар (E124 ва E110) сақлайди

Дуовит® препаратини ошқозонда ёқимсиз хисларни олдини олиш учун овқатдан сўнг қабул қилиш лозим.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қабул қилиш тавсия этилмайди

Дуовит® препаратини А витамини сақловчи дори воситалари ёки перорал ретиноидлар билан биргаликда қўллаш тавсия этилмайди, бу А гипervитаминозини келтириб чиқариши мумкин.

Дозани ошириб юборилиши

Препарат тавсия қилинган дозаларда қўлланилганда дозани ошириб юбориш ҳолатлари кузатилмаган. Тавсия этилган дозалар сезиларли ошириб юборилганда А ва D гипervитаминози ҳолатлари юзага келиши мумкин.

Симптомлари

Бош оғриғи, ошқозон-ичак тракти тарафидан ўзгаришлар (қусиш, диарея)

Даволаш

Специфик антидот мавжуд эмас. Симптоматик даво қўлланилади. Дозани ошириб юбориш ҳолатида ошқозонни ювиш ёки қайт қилишни келтириб чиқариш керак (қабул қилингандан сўнг кўп вақт ўтмаган бўлса)

Гарчи дозани ошириб юборилишининг ривожланиш хавфи минимал бўлса ҳам, узок муддат жуда катта дозаларда қўллаш А ва D гипervитаминозига олиб келиши мумкин.

Чиқарилиш шакли

10 дражедан ПВХ/ПВДХ/ПВХ фольгали ва алюмин фольга блистерда (1 блистерда 5 драже витаминлар билан - кизил рангли ва 5 драже минераллар билан - мовий рангли дражелар). 4 блистердан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома билан бирга картон кутига жойланади.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, намлик ва ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

3 йил. Яроқлилиқ муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

КРКА, д.д., Ново место, Шмарьешка цеста 6, 8501 Ново место, Словения.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили

Ўзбекистон Республикасида «КРКА, д.д., Ново место» ваколатхонаси

100015, Ўзбекистон, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 14

Тел.: +99871 150 2828, +99871 150 2929, телефакс: +99871 150 1044